

## Тарихи



“Иқтисодий назария асослари” кафедраси мудири, PhD

Ахмедов Азамат Камилевич

Тел.: +99871-237-09-73

Email: [a.akhmedov@tiame.uz](mailto:a.akhmedov@tiame.uz)

“Иқтисодий назария асослари” кафедраси 1949-йилда “Сиёсий иқтисод” номи билан ташкил топган. 2001-йилдан бошлаб кафедранинг номи “Иқтисодий назария асослари”га ўзгартирилган. Кафедрада шу йиллар ичида юқори илмий салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчилар фаолият юритиб келган. Улар орасида доцент И. Э. Чалашилин, доцент М. А. Макаров, доцент И. Н. Неткачев, профессор У. Х. Нигмаджановларнинг хизматлари жуда катта. Бугунги кунда ҳам кафедрада илмий салоҳиятли профессор-ўқитувчилар фаолият юритмоқда. Жумладан, доцент М. Х. Саидова, доцент Т. Р. Файзуллаева, доцент Ч. А. Мирзайевлар. Улар томонидан юқори назарий ва амалий савияда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

2018 й. - ҳ. в. — и.ф.ф.д., PhD, Ахмедов Азамат Камилевич

2012-2018 й. й. — и. ф. н. , доцент Саидова Мадина Хамидовна

2007-2012 й. й. — и. ф. н. Султанов Баҳодир Файзуллаевич

2001-2007 й. й. — и. ф. д. , профессор Нигмаджанов Учкун Холметович

Илмий-тадқиқот фаолиятига иқтидорли талабалар, магистрлар жалб қилинмоқда. Ҳар йили илмий ишлардан олинган натижалар илмий мақолалар ва тезисларда ўз аксини топмоқда. Кафедрада “Истеъдодли иқтисодчи” илмий жамияти ташкил этилган бўлиб, у ўз ичига тўртта тўғаракни қамраб олган, яъни “Иқтисодчи-тарихчи” (С. Икрамова), “Ёш иқтидорли талабалар” (Т. Файзуллаева), “Ёш иқтисодчи” (Д. Рустамова), “Экономист-практик” (Р. Аллайева). Ушбу тўғаракларга 50 нафардан ортиқ талабалар аъзо ҳисобланади. Улар кафедра профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда мунтазам равишда иқтисодиётнинг долзарб масалалари бўйича изланишлар олиб боришади. Изланишлар натижалари Республика ОТМларида ташкил этиладиган ёш олимларнинг илмий конференцияларида ҳар йили мақола ва тезислар кўринишида ўз аксини топади. Жумладан, 2017-йилда 2 та Халқаро конференция ва 10 тадан ортиқ маҳаллий илмий-амалий анжуманларда чоп этилган бўлса, 2018-йилда 3 та Халқаро илмий мақола, 5 та Халқаро конференция ва 20 тадан ортиқ тезислар чоп этилган. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан эса хорижий илмий журналларда – 16 та, маҳаллий ОАК журналларида – 6 та, Халқаро конференцияларда – 8 та, маҳаллий конференция ва илмий-амалий анжуманларда 30 дан ортиқ мақола ва тезислар чоп этилган.

---

Кафедрада бюджет асосида бажарилаётган “Қишлоқ хўжалиги экинлари таркиби ўзгариб бориши шароитида йер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот иши доирасида, 1 та монография, 1 та ўқув-қўлланма чоп этилди.

Аллаева Р. Р. Макроэкономика (Учебное пособие). – Т. : “Тафаккур қаноти”, 2018. – 232 стр.

Файзуллаева Т. Р. , Абдуразокова Н. М. Хлопководства Узбекистана и перспективы ее развития (Монография). –Т. : ТИҚХММИ, 2019. – 210 б.

Кафедра профессор – ўқитувчилари томонидан янги педагогик технологияларни қўллаб барча фанлар бўйича методик қўлланма ва кўрсатмалар қайта ишлаб чиқилди. Кафедрада ўқитиладиган барча фанлардан ўзбек тилида модуллар тайёрланди.

---

Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш факультети    Ўқитиладиган фанлар    Илмий ишлар    Тадқиқотчилар    Ҳамкорлар    Кафедра ходимлари    Тўғараклар    Дарс жадвали    Алоқалар